



Аллоҳ энг ёмон кўрадиган кимса ашаддий хусуматчидир!» - дедилар

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ энг ёмон кўрадиган кимса ашаддий хусуматчидир!» - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ кўп ва қаттиқ хусумат қиладиган инсонни ёмон кўришини хабар бердилар. У инсон ҳаққа эргашишдан бош тортиб, уни баҳс ва тортишиш билан даф қилишга ҳаракат қилади, ёки ҳақ бўлади, лекин жуда ошириб, муътадилликдан чиқиб илмсиз талашади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5474>

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

